Юрт довруғини кўзлаб

Спортчиларимиз қаерда бўлишмасин, юрт довруғини кўзлаб маҳорат кўрсатишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказиладиган АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида шу ойнинг охирида энг кучли 100 нафар шахматчи тўпланиши кўзда тутилган. Бир ой давом этадиган дона суриш баҳсларида моҳир шахматчимиз Рустам Қосимжонов ҳам қатнашади. Куни кеча Самарқандда ўсмирлар ўртасида якунланган республика саралаш баҳслари ғолиби бўлган Жўрабек Ҳамроқулов эса октябрь ойида Испанияда ўтадиган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Испанияда ўтаётган универсиада баҳсларида эса дзюдочи Армен Богдасаров кумуш медаль соҳиби бўлди. Атланта шаҳрида мерганлик бўйича жаҳон кубогининг тўртинчи босқичида қатнашган тошкентлик Дилшод Мухторов муваффақият қозониб, Мюнхенда бошланажак финаль баҳслари ҳамда Сидней олимпиадасига йўлланмани нақд қилиб қўйди.

Ҳуршида ЙЎЛДОШХОНОВА

«INFRA—R» янги даволаш мосламаси

Яқинда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармасида «INFRA—R» илмий-ишлаб чиқариш компанияси ҳамда «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида шу йил 11-13 ноябрь кунлари Тошкентда бўладиган «Янги технологиялар инсон манфаатлари учун» мавзуидаги «INFRA-99» халқаро илмий-амалий конференциясига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманни «Камолот» жамғармасининг раиси Ҳотам Абдураимов кириш сўзи билан очди. Йиғилиш жуда қизиқарли ўтди. Янги даволаш услубини яратган ихтирочи олим Рустам Раҳимов анжуманда қатнашган журналистларнинг саволларига жавоб берди. Жумладан, ўзи яратган мослама хусусида шундай деди: «Бу мослама ҳар қандай касални даволаш ва касалнинг олдини олишда бутунлай янги услуб бўлиб, анъанавий тиббиёт кучи етмаган ёки даволай олмаганда ёрдам беради».

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Муштараклик намойиши

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида очилган «Спорт — сен санъатсан» номли кўргазмада юртимиз рассомларининг спортчилар ҳаётига бағишланган асарлари, шу билан бирга ўтган йили футбол бўйича XVI жаҳон чемпионати ғолиби бўлган Франция терма жамоасининг тўпи, футболчилар оёқ кийимлари ва шу санага бағишланган вимпеллар намойиш этилмоқда.

Кўргазмадан мақсад спорт ва санъатнинг узвий боғлиқлигини, ўзаро муштараклигини намойиш этишдир. Қолаверса, спортчиларимизни кенг жамоатчиликка янада яқинроқ таништиришдан иборат.

Кўргазма икки ҳафта давом этади.

Рустам ЭГАМОВ,
Сирғалидаги 300-лицей-мактаб битирувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

И. С. Акрамовни Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Илҳом Салиевич Акрамов Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 16 июль.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 17 июль, шанба • № 82 (24.477).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«Ўларга байроғинг, топинарга гербинг, куйлашга мадҳиянг бор»

— Ҳорманг, отахон! Саломат бориб келдингизми?

— Раҳмат ўғлим, раҳмат.

— Невара қалай, соғомонмикин?

— Э, болам, гап йўқ. Ҳарбий бўлгандаям алп ҳарбий бўлибди. Иккимиз икки елкасига бемалол ўтирсак бўлади. Мана, кўр, неварам билан суратгаям тушдик. Қалай, кўкракни қара, кўкракни. Бургут, бургут. Шундай азаматлар ёвга омонлик берадими?

— Ота, бурунги замонда ҳарбий ўқув юртларига биздан ўқишга боришмасди-я. Мана энди қаранг, бу соҳадаги ўзгаришларни. Ҳатто ҳарбий академиялар мавжуд. Танловлар эса беаёв. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Ҳа, болам-а, менинг айни гап халтамни очадиган бўлдинг-да. Биласанми, илгари жон фидо этарга ҳеч вақо йўқ эди. Қўлингда мулкинг бўлмагач... Юрт сарҳадлари мавҳум, сиёсий ўй-фикрлари борларнинг эса дили мажруҳ эди. Бу ҳам етмагандай гербинг иккита, байроғинг иккита, мадҳиянг ҳам иккита эди. Қайси бирига топинасан? Бунинг учун садоқатинг ҳам иккита бўлиши керак. Лекин одамзотда садоқат битта бўлади. Унисиниям, бунисиниям дейиш, аросатликни келтириб чиқаради. Бундан ташқари эътиқодинг ҳам жуфт бўлиши керак эди: КПСС мафкурасига-ю, Оллоҳ йўлига. Бириси зўрлик билан сингдирилса, иккинчиси одамлар дилида пинҳона эди.

Болам, зўрликнинг интиҳоси — хорлик. Ота билан болани бир-биридан айри тутиш ўша тузумда рўй берди. Болаларни оталар тутумига беписанд қарашга, уларнинг дунёқарашларини инкор этишга ўша мустабид замон ўргатди. Ота Ҳаққа талпинади, бола эса атеист. Даканг хўрозга жўжа ваъз ўқиди гўё. Оқибат нима бўлди?

Мустақиллик неъматлари

Хайриятки, мустақиллик бу чучмалликларга барҳам берди. Юрт сарҳадлари аниқ бўлди. Мулоҳаза эса тиниқ. Ўпар байроғинг, топинар гербинг, куйлар мадҳиянг шукрки, бир нусхадан. Буни барча кўриб, билиб, дилдан ҳис қилиб турибди. Эркак кишига Оллоҳ шундай бир улуғ ҳиссиёт ато этганки, у ўз маконини кўкси-ла қалқонлаб яшашдан ифтихор топади. Ахир бу ҳарбий алп жуссалар томирида улуғ Темурнинг қони оқаяпти-ку. Шундай бўлгач, танлов беаёв бўлади-да.

Қаламкаш болам, сен шулар хусусида ёз. Биқиқ яшама. Мустақиллик йўлидаги саъй-ҳаракатлар мазмун-моҳиятини қуруқ мақтовлар билан эмас, чинакамига ёз. Бу замонда серғайрат яша. Бундай яшаш савоб.

...Мен жимгина Юсуфбой отани тинглайман. Минг тўққиз юз ўттиз тўққизда армияга кетиб урушни якунлаб қайтган муаллим-жангчи менга кўп нарсалар берди. Йиллар мобайнида сайқал топган фалсафий мушоҳадаларни унинг кўзларидан, очиқ мангалайидан, даврлар машаққати сингган ажинларидан гўё дур тергандай териб олишга ҳаракат қилдим. Баъзан Юсуфбой оталарни тинглашни билмаймиз. Чунки, биз Шак ва Гумон Иймон билан бўйлашган замонда вояга етганмиз. Бугунги мустақиллик замонида шуларни англай олганимиз учун ҳам шукроналар айтиб яшамоқ, шу имконни бизга берган янги замонни асраб-авайламоқ ўта муҳим.

Мухторали СУЛТОНҚУЛОВ,
ўқитувчи.
Наманган вилояти.

Янги миллий хизмат кийимлари

Республика Ички ишлар идораларида бир қанча ташкилий амалиётлар қўлланиб, унинг фаолиятини моддий-техникавий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг 8 йиллиги арафасида пойтахт кўчаларида ички ишлар идораларининг янги хизмат туридаги ходимлари — йўл патрул хизмати бригадаси янги миллий либосларда ўз бурчларини ўташга киришдилар. Эндиликда босқичма-босқич ички ишлар тизими ходимларига миллий хизмат кийимлари берилиши кўзда тутилган.

Янги либосга йўл патрул хизмати ходимлари ва йўловчилар ўз муносабатларини билдирдилар:

Очилов Бахтиёр — йўл патрул хизмати катта лейтенанти:

— Янги форма менга жуда ёқди. Чунки ҳар томонлама қулай, чиройли ва енгил. Энг қувонарлиси, бу мустақил Ўзбекистон йўл патрул хизматининг янги либоси.

Шерматов Қобил — йўл патрул хизмати кичик сержанти:

— У чиройли тикилган, матоси ҳам енгил, дазмолни яхши олади. Мен бундан фахрланаман.

Анвар — ҳайдовчи:

— Бу кийим менга ҳам ёқди. Оддийгина, ранги ҳам халқимизга ёқадиган хилидан.

Дарвоқе, шу кунларда Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси йўл патрул хизмати 70 та, пост назорати хизмати 60 та «Нексия» автомобиллари билан таъминландилар. Бундан ташқари уларга замонавий алоқа воситалари ва радиостанциялар ҳам ажратилди. Демак, Ички ишлар идоралари ходимлари ҳар қандай вазиятда ўз бурчларини оқлайдилар ва янгича ишлаш баробарида янги либосларга доғ туширишмайди, деган умиддамиз.

Бобомурод РАЙИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Ўзбекистон ХДП Учинчи Қурултойи олдидан

Ишчи гуруҳлари йиғилиши

Ўзбекистон ХДП Низомига мувофиқ, жорий йилда, партиянинг навбатдаги, Учинчи Қурултойи ўтказилади. Унда, бошқа муҳим масалалар билан бирга, ХДПнинг янги таҳрирдаги Дастури ва сайловолди сиёсий ҳужжатини қабул қилиш ҳамда унинг Низомига айрим ўзгаришлар киритиш кўзда тутилмоқда. Шу муносабат билан, Марказий Кенгашнинг XIX пленумида, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи махсус ишчи гуруҳлари тузилган эди.

15 июль куни мазкур ишчи гуруҳларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов олиб борди. Йиғилишда ишчи гуруҳларининг ваколатлари доирасидаги масалалар, жорий йилнинг апрель-июль ойи бошларида партиянинг бошланғич ва маҳаллий ташкилотларида ўтказилган ҳисобот-сайловлар жараёнида билдирилган фикр-мулоҳаза ҳамда таклифлар инобатга олинган ҳолда, кўриб чиқилди.

Муҳокамаларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Д. Ғуломова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б.Шодиева, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов, «Ташкентская правда» газетасининг бош муҳаррири А. Хўжаев ва бошқалар иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Қашқадарё: ғаллакорлар зафари

Ҳақиқий деҳқон табиатнинг ҳар қандай синовларини сабр-бардош билан енгади. Бошқа жойларда бўлгани каби қашқадарёлик деҳқонлар барча экинлардан мўл ҳосил кутишмоқда. Бироқ табиат-табиат-да. Айни ғалла шартнома мажбурияти бажариладиган кунлар арафасида кетма-кет-кучли ёмғир ёғди. Ёзда қаттиқ дўл тушганига нима дейсиз. Аммо деҳқонларнинг руҳи тушмади. Бу ҳақда Қамаши туманидаги «Чим» ширкат хўжалиги оилавий пудратчиси Абдимурод Бозоров шундай дейди:

— Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида биз ғаллакорлар билан учрашганлари руҳимизни кўтариб юборди. Даламизга келганларида бир соатдан ортиқ турмушимиз, ғалла ҳосили, сара уруғ ҳақида суҳбатлашдилар.

Вилоятда бу йил жами 244 минг, жумладан 152 минг гектар суғорилган майдонларда дон етиштирилди. Буғдойнинг «Улуғбек-600» нави серҳосил экан. Синаштa бўлиб қолган «Самзор-8» нави ҳам ишончли оқлади. Ўрим-йиғимга пухта ҳозирлик кўрилди. Барча комбайнлар, айниқса, 153 та «Кейс» юқори унум билан ишлатилди. Бу тадбирларнинг самараси ўлароқ, ғалла ҳосилдорлиги ўтган йилгидан 8 центнерга кўпайди. Баҳористон ва Муборак туманлари биринчилардан бўлиб шартнома режасини адо этишди. Китоб ва Шаҳрисабз туманларида ҳосилдорлик 38-40 центнерга етди. Энг кўп дон Чироқчи туманида етиштирилди. «Китоб» агрофирмаси, «Насаф», Мейликул Бобоев номли хўжаликларда юқори ҳосил олинди. Айниқса, бу йил ҳам Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номли хўжаликда ҳосилдорлик 50 центнерга етганлиги, айрим пудратчилар 60 центнердан ошириб дон етиштирганлиги ҳам катта имкониятлар борлигини кўрсатиб турибди.

Вилоятнинг ҳосил кеч пишадиган тоғли ҳудудларида ўрим қизғин давом этаяпти. Лекин ўтган йилгидан қарийб 140 минг тонна кўп дон етиштирилаётгани ҳақ гап. Зафар ҳам тайин. Давлатга 325 минг тоннадан зиёд дон топширилиб, шартнома режаси адо этилди. Бу мамлакатдаги энг салмоқли дон карвонидир. Ғаллакорлар давлатга яна 35 минг тонна дон етказиб беришга қарор қилишди. Китоб тумани ғаллакорлари 1200 тонна дон топшириб, қўшимча мажбуриятни ҳам бажариб қўйишди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Қуриб қолган тўнка...»

Ёшлигимизда бир кино бўларди. Жанг майдони. Қўлга тушган асир ўтирибди. Бир томондан «қизиллар», иккинчи томондан «оқлар» тинимсиз ҳужум қилишмоқда. Жангнинг тақдири нима бўлишини билмаган солдатнинг қўлида эса иккита «погон». «Оқларнинг» овози баландроқ чиқса шартта уларнинг «погонини» елкасига қўйиб олади. «Қизилларнинг» қўли баланд кела бошласа, «қизилларнинг» «погонини» қўлига олади.

Қорадарё кўприги яқинида қад ростлаб турган ёдгорлик менга худди шу манзарани эслатди.

II жаҳон уруши қатнашчилари ва урушда ҳалок бўлганлар «шарафига» ўрнатилган ушбу ёдгорлик эсимни таниганимдан буён бор. Майдонда ҳалиям қизиқ ҳолат мавжуд: мустабид тузумнинг қолдиқлари, миллатни салкам бир аср қуллик занжирида ушлаб турган тузумнинг «ўроқ ва болғаси», «СССР», «Победа» сўзлари, «Жонажон пойтахт» Москванинг сурати, рус тилида ёзилган «шон-шарафлар» ҳамон майдоннинг тўрида сирли турибди. Майдон атрофига эса «Хотира ва Қадрлаш куни» тўғрисида ёзиб қўйилган. Тушунолмадим.

Айблов

Каттақўрғон тумани мутасадди раҳбарларининг маънавий бурчга муносабати мени ўйга толдирди. Уларнинг тутган йўли юқорида айтилганидек жангда иккиланган аскарнинг ҳолатини эслатмаяптими?

Лекин шуни қатъий айтиш керакки, «жанг» тақдири аллақачон ҳал бўлган. Истиқлол юракларга ўчмас қилиб ёзилган. Истиқлол абадий. Унинг қаршисида, барча нарсалар парчаланиб кетади. Ўз моҳиятини йўқотади.

Мени бир ҳолат ташвишга солади. У ҳам бўлса лоқайдлик. Бепарволик. Маънавиятсизлик.

Бугун саккиз йиллиги яқинлашаётган Мустақиллик байрами, озодлик ўз-ўзидан келмаганлигини, бугун ҳам унинг душманлари вақти-вақти билан бош кўтаришаётгани, барчамизни огоҳликка чақириши керак.

Шу ўринда бир элсевар шоиримизнинг қуйидаги сўзлари ёдимга тушди: «Ҳар қандай эскилик, таъбир жоиз бўлса, қуриб қолган тўнка. Энди унда ҳаётдан бир асар йўқ. Четга олиб ташланмаса, у энди йўлдан кетаётганларни йиқитади».

Фарруҳ ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

Бу дунёнинг ишлари

Ҳукуматга қарши чиқишлар

Сербияда ҳукуматга қарши намойишлар давом этмоқда. Ўтган куни кечқурун республиканинг бир йўла уч шаҳрида норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Белграддан 200 километр жануброқдаги Лесковац шаҳарчасида 10 кун давомида кетма-кет митинглар бўлди. Улар маҳаллий маъмурият истеъфога чиқишини талаб қилиб полиция томонидан ҳибсга олинган ҳамюртларини озод этишни талаб қилмоқдалар. Сербия ғарбидаги Валево шаҳрида уч кечадан бери Югославия президенти Слободан Милошевични ағдариб ташлашга даъват этувчи маҳаллий ташкилот вакилларининг ғалаёнлари давом этмоқда. Суботица шаҳрида ҳам ана шундай митинг бўлиб ўтди. Бунда беш мингдан зиёд кишилар иштирок этди. Милошевич тарафдорлари эса намойишларни тарқатиб юбориш пайида ҳаракат қилиб нотиқларга тухум ва помидор отдилар.

Солана Брюсселда

НАТО Бош котиби Хавьер Солана Брюсселга келди. Ундан сўнг амалий ташриф билан Боннга келиб Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер билан учрашди. НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳи вакиллари Солана ташрифини гўёки у Косоводаги вазиятни барқарорлаштириш учун келган, деб таърифламоқдалар.

Евро ҳақидаги фикрлар

Европа газеталари амалга кирганига ярим йилдан ошган ягона Европа валютаси ҳақидаги фикрларни босиб чиқармоқда. Масалан, «Трибуна» газетаси ҳозирча евро анча кучсиз бўлгани учун ҳатто йирик халқаро сармоядорлар ҳам чўчиб қолишди, деб ёзади. Айниқса Европадаги ҳозирги молиявий ва бюджет муаммолари туфайли кўпчилик евродан норози бўлмоқда. Агар АҚШдаги иқтисодий тараққиёт, бунинг устига Америка бозорлари кўпчиликни жалб этаётганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, халқаро сармоядорлар Европа бозоридан кетиб қолишлари мумкин. Бу борада Германиянинг «Суд курьер» газетаси қуйидагича ёзади: Агар вазият шундай давом этаверса евро билан доллар курси тенглашади. Бу эса хавфли. Агар чуқурроқ ўйлаб кўриладиган бўлса ҳозирги вазият европнинг кучсизлигини эмас, балки долларнинг кучини билдиради. Аслида маҳсулотни экспорт қиладиган тармоқлар евро курсининг пасайишидан фойда кўрадилар. Агар у бундан буён ҳам пасайиб борса, фуқароларнинг янги валютага ишончи камайиб кетиши мумкин.

Люксембургда чиқадиган «Тагеблатт» газетаси Европа Иттифоқидаги олти мамлакатда сўров ўтказди. Кишиларнинг 62 фоизи евро оддий ҳаёт тарзида муҳим роль ўйнайди, деб ҳисобламоқда. Германияликларнинг 36 фоизи европнинг келажагига ишонмаслигини билдирди.

Худбинлик

Худбин: «Мен кимман ўзи?», — деб сўрамас экан, нуқул: «Сен кимсан?» — дер экан...

Бир донишманд сўзи.

Ўзини, шахсий манфаатини ҳаммадан ва ҳамма нарсадан юқори кўрувчи эпчил, яшовчан, пихини ёрган худбин ўша ибтидоий жамоа тузумидаёқ мамонтни сўйиб тақсимлашда ўз фойдасини билган — гўштнинг яхшироқ ва каттароқ бўлагини орқалаган эди. Кейинги ҳар қандай тузумда эса у истеъдодидан завқланиб, ўзининг фойдаси йўлида учраган тўсиқни босиб-янчиб, энди ўзи эгаллаб турган мавқеини жамоа ва жамиятнинг иродасига қарши ўлароқ сақлаб қолиш, роҳат-фароғатини таъминлаш, нафсини қондириш учун ҳар қандай бемазагарчиликдан тоймайдиган даражага бориб етди. Биргина социализмнинг «қизил» худбинлари томонидан инсоният бошига солинган фожиалар, бедодликлар фиғони Ер юзида ҳали-бери тўхтайдиганга ўхшамайди...

Инсоният тарихи худбинликнинг кулфатлари, изтироб ва можароларига тўлиб-тошиб кетгани етмаганидек, ушбу даҳшатли иллат бугун ҳам жамиятни, шахсни минг бир муаммо гирдобига ташлаб, не-не касофатларга гирифтор қилмоқда. Ҳаёт мукаммаллашгани, инсоннинг яшаш тарзи такомиллашгани сайин келажакни олдиндан кўра билган худбинлик ҳам, афсуски, шу йўсинга чапдастлик билан мувофиқлашиб бормоқда.

Дунё харитасида Ўзбекистон деган мустақил юртнинг пайдо бўлиши ҳаёти қарийб бир ярим аср армонда кечган юртдошларимиз қалбида катта ифтихор ва чексиз хурсандчилик туйғуларини уйғотди. Айни пайтда у шу юрт мустақиллигини сақлаб қолиш ва тараққиётимиз кафолати сифатида зиммамизга, Президентимиз айтганларидек, «муваффақиятсиз, чиппакка чиққан тарихий тажрибанинг фожиали оқибатларини қисқа давр ичида бартараф этиш»дек масъулиятли вазифани юклади. Ана шу фожиали оқибатларни келтириб чиқарган энг катта иллат-ҳеч шубҳасиз, худбинлик, деб айтишга тўла асос борлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Президентимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобларида худбинликка қарши кураш заруратини ўз вақтида кўрсатиб ўтган эдилар. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришган дастлабки пайтларданоқ Президент мамлакатимиз тақдири ва тараққиётини ўйлаб, республикамиз бошқарув тизимининг барча бўғинларига Ватан ва халқ манфаатини ҳар нарсадан устун кўрувчи, мафкураси тоза, маънавияти бутун, адолатли кадрларни қўйишни қаттиқ талаб қилган эдилар. Бу борада анча-мунча ижобий қадамлар қўйилиб, миллий ифтихор руҳи баланд, мустақил Ватаннинг шаъни учун фидойи бўлган бир талай кадрларга масъулиятли вазифалар юклатилди. Уларнинг аксарияти топширилган вазифаларни виждонан бажаришга, ишончни оқлашга ҳаракат қилди ва ҳаракат қилмоқда. Бироқ ишонилган, нуфузли вазифаларни эгаллаган кадрларнинг кўплари ислоҳотлар ғоясини обрўсизлантиришга, эзгу мақсадларни чиппакка чиқаришга, маънавий-ахлоқий асосларнинг емирилишига сабабчи бўлдилар. Ҳайҳай демаса, катта аравалар ўз ортидан кичик араваларни эргаштириб, бутун бир худбинлик оқимини пайдо қилаёзган эди.

Хўш, нега шундай бўлди?

Кадрлар масаласида яқин ўтмишдан бизга жуда оғир, аянчли мерос

1

қолди. Шароф Рашидов вафотидан сўнг Кремлнинг сеҳрли таъсири остида иш кўрган, мансабпарастликни миллий ғурурдан устун қўйган Усмонхўжаев Ўзбекистонда тайинли кадр йўқлигидан зорланиб, бутун раҳбарлик даврини Москвадан ходим чақиришдек шармандали юмуш билан ўтказди. Ҳокимиятпараст Нишонов эса бу ишни давом эттириб, жуда кўплаб қоракўз раҳбарларни Гдлян ва Ивановларга талатди, миллатнинг жигарини эзди, руҳини майиб қилди. Шу тахлит ўзбек раҳбар шахслари дунёқарашида саросима, хавотир, қўрқув, бесаранжомлик қаттиқ ўрнашиб қолди. Улар ичида бошқа бир хавфли оқим — вазиятга қараб иш кўрувчи, лаганбардор, иккиюзламачи, муросасоз, сотқин, нафснинг қули бўлган худбин шахслар пайдо бўлди, аввалгиларининг тажрибаси ошди. Уларнинг кўплари жуда устамонлик ва ёлғон қиёфа билан ҳокимият идораларига йўлини топиб, суқилиб кирди. Донишманлардан бири, ёлғон ўзи унча хавфли эмас, унинг ҳақиқатга ўхшаб кетиши хавфли, деганидек, ростнинг тўнини кийган ёлғон фаолиятлилар, «хўп бўлади», «бажарамиз», «жуда тўғри айтдингиз» ва шу қабилдаги ҳоказо ҳад-ҳисобсиз ялтоқи мулозамат усуллари орқали халқни, Президент ва ҳукуматни алдашга тутиндилар. Амалда асосан ўзининг худбинона ниятларини рўёбга чиқариш, жон-жаҳд билан пул, бойлик, шахсий мулк тўплаш пайида бўлдилар, хизмат вазифасини хўжакўрсинга бажариб, билдирилган ишончни суиистеъмол қилдилар. Шулар оқибатида Самарқанд, Навоий, Хоразм, Қашқадарё ва бошқа вилоятлардаги жиноий хатти-ҳаракатлар, кўп муттаҳамчиликлар келиб чиқди...

Ҳушёрликка даъват

Хавфсизлигимизга таҳдид солувчи худбинликнинг қиёфасини Президентимиз шундай тасвирлайдилар: «...пул ҳокимиятга интилади», деган ибора бор. Лекин бу пул жиноий йўл билан топилган бўлса-ю, унинг эгалари жамиятнинг ҳокимият тузилмаларига чиқиб олсалар, улар қандай усуллар билан бошқаришларини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай одамларнинг «фақат бизга яхши бўлса, ишимиз битса — бўлгани» қабилидаги маслаги худбинликнинг, ҳамюртларга нисбатан сурбетларча лоқайдликнинг яққол кўринишидир». Ана шу хулосадан келиб чиқиб, амалда анча-мунча кирдикорлар очиб ташланди, давлат ва халқ кушандалари ўз жазоларини олдилар.

Бироқ бундай тадбирлар орқали республикамизда раҳбар ва бошқарувчи шахслар муаммоси кўнгилдагидек ҳал бўлмаётганидан, шаклий ўзгаришлар маънавий ўзакларда кутилган натижалар бермаётганидан давлатимиз раҳбари ташвишга тушдилар, ғояларимиз ижроси, ислоҳотлар тақдири учун жавобгар шахслар, хусусан, фидойи ва садоқатли раҳбарлар тақчиллигидан афсуслана бошладилар. Орада Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури юзага келди. Раҳбарларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тегишли ўқув даргоҳларига кўрсатмалар берилди.

Минг афсуски, муаммонинг ечими анчагина мураккаб, унинг илдизи, барибир, ўша қон-қонимизга сингиб кетган худбинлик балосида эканлиги аён.

Энг катта хавф — бошқарув тизимининг ўзагини айни худбин, лаёқатсиз, ахлоқий жиҳатдан нопок, сиёсий савияси паст, мафкураси бузуқ бир ҳовуч лаганбардорлар ташкил эта бошлагани, бу ҳол давлат ва жамоат мулкини талон-тарож этиш, лавозимларни пора эвазига тақсимлаш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилишга олиб келаётганида эди.

Кадрлар танлашда, Президентимиз таъкидлаганларидек, «ўзимизники ва ўзганики», «қарши ва тарафдор», «садоқатли ва садоқатсиз» каби алмисоқдан қолган ақида таъсиридан халос бўлолмаган» лик, иш ва бошқарув самараси ҳақида қайғуриш, халқнинг оғирини енгил қилиш ўрнига, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаш кайфияти чуқур илдиз отган»лиги жуда ташвишли. «Минг афсуски, айрим ҳолатларда раҳбарнинг ваколати қанча оширилса, шунча кўп худбинлик касалига учрайди, очкўзлик гирдобига, таъмагирлик комига тушади».

Худбинлик — одамзод жисмидаги йирингли яра. У эндиликда қонимизни тинимсиз заҳарламоқда, наслдан-наслга томир сурмоқда.

Фожиа шундаки, худбин таваккалчи эмас, унинг ўз йўналиш дастури, пухта ўйланган иш режаси бор. Худбинлар манфаат йўлида жуда тез бирлашадилар, фисқу-фасод ва фитна «кенгаш»лари тузадилар, бир-бирлари билан ўртоқлашадилар, тажриба алмашадилар. Худди шунинг оқибатида жамият ва халқ манфаатлари топталмоқда, зўравонлик, талон-торож, уюшган жиноятчилик, пораҳўрлик, ҳокимиятпарастлик, маҳалчилик, уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик каби худбинликнинг «пушти камаридан бўлган» иллатлар ҳуснбузар мисоли жамият, мамлакат чеҳрасини доғларга кўммоқда.

2

Худбинлик томир суради, дедик. Устоз Асқад Мухтор «келажаги порлоқ» худбинликни қўшнининг хонадонида кўриб, қаттиқ ташвишга тушган эдилар: «Менинг кичкина қўшним Тўлқинни ҳар куни онаси боғчага кузатаётиб қўлига учтўртта конфет беради ва «ўзинг егин, бировга бермагин» деб тайинлайди. Вақтлар ўтиб, «Тўлқин худбин одам бўпти» десалар, мен бунга ишонаман».

Худбин шахс ижтимоий лоқайдлик дардига мубталоки, жамият, маънавият, тарбия ўшалар туфайли хавф остида қолиши, емирилиши, машъум оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Бир гуруҳ Ватан хоинлари машъум 16 февраль фожиаларининг ижрочилари ва буюртмачиларига айландилар. Бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилди. Қотиллар ўзларини, сал бўлмаса, халқни ёмон турмушдан қутқаришга чоғланган «санитарлар» деб таништирдилар. Ваҳолонки, уларнинг кўпи ойига 100-200 доллар садақага ишлайдиган ватанфуруш, аламзада, шу юртнинг тинчлиги, осойишталигини, рўшноликка интилаётган халқнинг хотиржам турмушини кунпаякун қилишга осонгина чоғланган шайтон малайлари эдилар. Қонсираган кўзлари ўқрайган, тамоман бегуноҳ одамларни ўлдиришга киришган жоҳил қиёфани бир тасаввур қилинг-а. Қорин тўйдириш учун олиб борилган ифлос жангнинг ўша аскари телеэкранда ўз қилмишлари учун халқдан кечирим сўради. Прокурор шу кечиримга тўғри изоҳ берди: «Бу — жазо олдидаги иложсизлик тазарруси...»

Жалолиддин Румий ҳазратлари: «Худбинлик сизни бепарволик ва беписандлик домига солмиш! Беписандлик, муқаррарким, қора кирдикорларга элтур. Мана, жаҳолат қаёқдан, ифлос ҳою ҳаваслар, куфр иштибоҳлар — қаёқдан!» — деган эдилар.

Шукрки, кирдикор, жаҳолат ва кўрнамаклик ўз жавобини олди — жиноятчиларнинг бир қисмига муқаррар ўлим сўралди...

Хуллас, Ўзбекистон тақдири, унинг келажагини ўйлаш кўнгилда ҳам завқ уйғотади, ҳам жиндак изтироб пайдо қилади.

Завқ шунданки, янги авлод, руҳан тетик насл, баркамол шахслар шаклланмоқда. Улар қўлида эзгуликка йўғрилган, шу юртнинг озод ва обод бўлишига қаратилган пухта дастурлар бор. Одамлар бахти йўлида жон фидо этиб меҳнат қилаётган юртбошимиз бор. Бировнинг қўлига қарам қилиб қўймайдиган рўзғоримиз, Хизр назар солган бадавлат мамлакатимиз, борни-ку қўйлик, йўқни йўндирадиган фавқулодда меҳнаткаш ва ижодкор халқимиз бор! Сабр-бардошимиз, умид-ишончимиз, айни пайтда, номусли аждодлардан мерос бўлган ориятимиз, керак бўлса, ўзига яраша қаҳримиз, ғазабимиз бор!

Изтироб шунданки, онгимиз, дунёқарашимиз, руҳимиз ҳужайраларида худбинлик яшаб келяпти. Шахсни фақат худбинлик емиради, десалар, ишонинг. У тинимсиз иймони суст, мафкураси бузуқ бандаларни изламоқда, топмоқда, домига тортмоқда. Томиримизда улуғ аждодлар қони оқаётгани, уларнинг руҳи мададкор бўлаётганидан фахрланамиз, бироқ шу томирларимизда ўз ватанига хиёнат қилиб, айтайлик, Ўтрорни мўғул босқинчиларига топширган Маҳмуд Ялавочлар қони, Соҳибқирон Амир Темур гуллатиб-яшнатган юртни унинг вафотидан сўнг лахтак-лухтак қилиб ташлаган, бемуроса, талончи амирзодалар қони, чор Россиясининг қўшинлари Тошкентни қуршаб олганда томошабин бўлган Қўқон хони ва Бухоро амирининг қони, пойтахт калитини қўш қўллаб ёғийга тутган муросасоз боболаримизнинг қони ҳам оқмоқда...

Инсонни худбинлик емирмасин, у худбинликдан абгор бўлмасин. Ахир, инсон Парвардигор яратган ягона онгли мавжудот, энг буюк мўъжиза эмасми?! Ҳадҳисобсиз, аср-асрлик йўллар босиб шаклланган, дунёни эҳтирос билан ғўзаллик ва кашфиётларга буркаган ноёб нодир зотнинг худбинлик комига тушиб, емирилишига чидаш мумкинми?!

Огоҳ бўлинг, худбинлик одамни маймунга, мамлакатни мозорга, қасрни харобага, фариштани махлуққа, бир шоир айтмоқчи, икки чақмоқ қанд эвазига арслонни кучукка айлантиришидан сақланинг!...

Улуғбек РАҲИМОВ

3

ХДП ҳаёти

Катта юмушлар юки

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши газетаси — «Регистон»нинг ўқувчилар қўлига текканига беш йил бўлди.

Бу қисқа, лекин ўн йилликларга татийдиган муддат таҳририят аъзолари учун ҳақиқий ижодий изланишлар йили бўлди. Мухтасар қилиб айтганда, газета ўз ўқувчилари ва мухлисларини топди. Зарафшон воҳасининг энг чекка сўлим гўшаларида унинг навбатдаги сонини интизорлик билан кутадиган газетхонлар кўпайди.

Айниқса, газетада «8-қаватдаги учрашув», «Саркотибга саккиз савол», «Аҳдан-бақдан» каби рукнларда шоиру олим ва ижод аҳли ҳамда туман партия кенгашлари котиблари билан мулоқотлар, рангбаранг янгиликлар ёритилиши «Регистон»нинг мавқеини оширмоқда. ЎзФА мухбир аъзоси, профессор Б. Валихўжаев, Ўзбекистон халқ артисти Т.Қурбонов, профессорлар С.Мирзаев, И.Мирзаев, шоиралар Ҳ. Бобомуродова, Ж. Сувонова, Имом Ал-Бухорий масжиди имом хатиби Усмонхон Ҳожи Темирхон ўғли, ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши, Каттақўрғон, Жомбой туманлари кенгашларининг саркотиблари ва бошқаларнинг чиқишлари кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

«Регистон» ёш ижодкорларни кашф этиб, улар ижодига ўз саҳифаларида кенг ўрин бериб бормоқда.

Кичик газетанинг катта юмушларини елкасида озод кўтариб турган муҳаррир, иқтидорли журналист Гулчеҳра Алибоеванинг кўз нури, қалб қўри билан «Регистон»нинг тили ширин, ўткир ва ўзига хос бўлиб боряпти. Айниқса, мавзу ва сарлавҳа танлаш услуби, маҳорати ҳавас қилса арзигулик.

«Гапнинг лўндаси», «Икки оғиз гап» рукнлари остида очиқ ва аччиқ гаплар айтиб, партиянинг энг яқин кўмакдоши, маърифий қуроли сифатида чақмоқдек чақнамоқда.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мен шу ватанга муносибманми?

Юртбошимизнинг журналистлар билан мулоқотларидаги ёки сессия ва йиғилишларда қилган маърузаларидаги каломлари зиммамизга табиату, жамиятга ақл-заковат билан ёндошиш заруратини кўяётир.

Энди, аввало ўзимизни шахс сифатида ҳис қилиб, ҳар бир масалага синчков муносабатда бўлишимиз, атрофдагилар кайфияти билан сиёсатимиз ҳаётийлигини таққослашимиз зарур. Айниқса, февраль воқеаларидан сўнг, Юртбошимизнинг «Ҳушёрликка даъват»идан сўнг, XXI аср чорловларига ҳамоҳанг.

Ватаннинг оғриғини ўзида ҳис этмайдиган, умидли интилишлари, ақл-фаросати, меҳр-муҳаббати, онгли амалий фаолияти билан унга малҳам қўйишга чоғланмайдиган киши ўзини тўлақонли инсон деб ҳисоблашга ҳақли эмас!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгаши, вилоят ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» республика кенгашининг вилоят бўлими ҳамда Наманган Давлат университети билан ҳамкорликда ўтказган «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда юқоридагидек кескин мулоҳазалар айтилди.

Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ҳ. Убайдуллаев бошқарган анжуманда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаларида эътироф этган мамлакатимиз ривожланиш стратегиясининг беш устувор йўналиши бўйича олимларнинг маърузалари тингланди. Шунингдек, анжуманда вилоят ҳокимлиги бошқарма, бўлим ҳамда жамоат ташкилоти раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Анжуманда вилоят ҳокимининг ўринбосари И. Юсупов сўзга чиқди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
Носиржон ДЕҲҚОНОВ.

Чўпон чўлиғидан нега айрилди?

Хатлар, хатлар, хатлар

Ҳурматли редакция, мен умрим бино бўлиб, отар ортидан юриб бировнинг устидан арз қилган эмасман. Сабаби, ўтган умрим давомида чўпонликнинг барча оғир, машаққатли ва яхши-ёмон кунларини бошдан кечириб, ҳаёт қийинчиликларини енгиб келганман. 35 йил давомида шу касбнинг нонини еб, режаларни ортиғи билан уддалаганман. Бунинг учун ҳукуматимизнинг қатор фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совға-саломлари билан мукофотланганман. Бундан беш йил аввал эса ўғлим Муҳаммад Тўхтаевга касбимни мерос сифатида топширдим. Айни пайтда ҳам унга яқиндан ёрдам бериб келаяпман.

Муҳими эса, ана шу вақт давомида қаровимиздаги энг камёб, қимматбаҳо ҳисобланган 381 бош элита ҳисори қўйлари ва қарийб 300 бош тўхлининг ҳар юзтасидан йилига 90-92 бош соғлом қўзи олиниб, насл тозалигига эришиб келинди. Бироқ 1997 йил ноябрида хўжалигимизга аввал туман халқ назоратининг бошлиғи бўлиб ишлаган Абдураҳмон Сатторов раис бўлдию, қилган меҳнатларимизга дарз кетди.

У киши ишни чўпонларни отарларидан четлаттириб, ўрнига ўзининг яқин қариндошларини қўйишдан бошлади. Отарлар эса тўлиқ уларнинг инон-ихтиёрига ўтгач, қарийб 40 йил давомида авайлаб-асраб, насли сақлаб келинган элита ҳисори қўйларимизни янги раис эҳтиёт қисмга, дори-дармонга деб бозорга олиб чиқиб соттира бошлади. Ўрнини эса бозордан касалманд, насли паст қўйқўзилар билан тўлдираяпти. Натижада қисқа муддат ичида зотдор хисори қўйларимизнинг насли бузилди, уларнинг сони кескин камайди.

Албатта, буларни мен қандайдир кўролмасликдан айтаётганим йўқ. Балки умр бўйи чўпонлик касбига иснод келтирмай, хиёнат қилмай етиштирган зотдор қўйларимизни ҳеч бир бу соҳадан хабари йўқ киши келиб уни талон-торож қилса кишига алам қиларкан. Бунинг устига ота мерос бўлиб келган ўғлимнинг ҳам отарини ҳеч бир сабабсиз тортиб олиниши ўлгаининг устига тепган бўлди.

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Мен бир кекса чўпоннинг ушбу сўзларини матбуотда ёритиб, талон-торожликлар ва қўйлар насли бузилишининг олдини олишга ёрдам берсангизлар, деб

Дараббой ТЎХТАЕВ,
Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Охунбобоев жамоа хўжалиги.

Бугунги кунда Орол бўйи ҳудудидаги ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш жиддий муаммолардан бирига айланиб қолди. Тупроқ унумдорлигининг камайишига тузнинг кўпайиши, суғориладиган сувнинг сифатсизлиги сабаб бўлмоқда. Шу боис Қорақалпоғистонда кенг йўналишда гидромелиоратив дастур ишлаб чиқилди. Чўлга айланишнинг олдини олиш мақсадида биологик усул — дарахтзорлар бунёд этишга киришилди. Бундан ташқари каналлар ва дренаж коллекторлари бунёд этиляпти.

«Оролсувқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти магистрал коллекторларни бунёд этиш, таъмирлаш ва тозалаш билан шуғулланади. 24-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари Кегайли, Чимбой, Қораўзак, Мўйноқ туманлари бўйлаб ўтадиган КС-3 коллекторини таъмирлашмоқда.

Суратларда: 1. Участка бошлиғи Жалгас Қодирберганов билан гидромеханизация бошқармаси бошлиғи Жангабой Сарқитбоев иш сифатини кўздан кечирмоқда. 2. Экскаватор ёрдамида коллектордаги сувни тозалаш пайти.

Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар

«Миср: кеча ва бугун» ғолиблари

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот шўъбаси мамлакатимиздаги бир қатор газеталар, шу жумладан «Ўзбекистон овози» газетаси, республика телевидениеси ва радиоси билан ҳамкорликда «Миср: кеча ва бугун» номи остида ўтказган мусобақа ниҳоясига етди. Бир ойдан ортиқ муддат ичида давом этган мусобақада жами 3262 киши қатнашган. Шундан 381 кишини «Ўзбекистон овози» газетаси ўқувчилари ташкил этган. Шуниси қувончлики, улардан бири Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг 1-курс толиби Беҳзод Тўхтаев Мисрга бепул сайр-саёҳат қилиш йўлланмасини қўлга киритди. Яна бир киши — Қарши тиббиёт билим юрти ўқитувчиси Феруза Зокирова эса аудиомагнитафон совриндори бўлди. Ғолибларга мукофот ва совринлар шу йил 20 июлда топширилади.

***

Куни кеча Миср элчихонасида 23 июлда бўладиган Миср халқининг миллий байрамига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, доктор Мамдуҳ Шавқий жаноблари ўз мамлакатининг миллий мустақиллиги ва унинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Республикаси ўртасида 1998-1999 йиллар ичидаги ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳамкорлик хусусида атрофлича тўхталиб ўтди. Учрашув сўнгида жаноб доктор Мамдух Шавқий журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарди.

Алишер РЎЗИЕВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ

Ўртоқ начальник бор...ми?

Лўқма

... Туман ички ишлар бўлими навбатчисининг телефон рақамларини тераман: «Алло, бу ички ишлар бўлимими?» «Эшитаман!» Овоз зобитларга хос кескин, лўнда. «Мумкин бўлса, бошлиқ бор-йўқлигини билмоқчи эдим...» «Ўртоқ начальник область центрига кетган..»

Унвони катта бир зобит билан гурунглашиб тургандик. Шаҳдам қадамлар билан юриб келган ёшгина зобит мурожаат қилди: «Ўртоқ начальник айтган поручениянгиз бажарилди!...»

Ички ишларда ишлайдиган танишимга ушбу тушунмовчиликларни айтдим. Тармоқ ходимлари орасида давлат тили ижроси бажарилишига эътиборсизлик қилиняптими ёки ўрганган одат ҳамон «ўртаниб қўймаяптими», деган мулоҳазага у изоҳ берди: «Йўқ, бизда аллақачон «начальник» ўрнига «бошлиқ», «командир» ўрнига «сардор» атамалари ишлатиляпти. Лекин, рости тилимиз эски атамалардан тош қотган эканми? Кўпинча шундай иборалар ўз-ўзидан чиқади-кетади...»

Интизом мустаҳкам ва ҳарбийча муносабатлар таркиб топган ички ишлар идораларида бундай «тили қотганлар»нинг тилини жиловлаш осон-ку! Бунинг учун мазкур «начальник» ёки «командир» ўз қўл остидагиларни огоҳлантириши ва уларни белгиланган тартибда маъмурий жазолаши мумкин-ку! Нима учун жазоламаслик керак? Ахир давлат тили — қонун! Уни бажариш барчага бурч.

Худди шу фикримни айтиш ёки фикр олиш учун вилоят давлат назорати бошқармасининг навбатчисига қўнғироқ қиламан. Бошлиқлардан бирортаси бўлса, қабулига кириш ниятим борлигини билдираман. Телефондан эса кескир ва лўнда овоз эшитилади: «Ўртоқ начальник йўқлар...».

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 19

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
8.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «ЎзДЭУ Асака».
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Лирик тароналар».
10.00, 12.00, 14.00,18.00 Янгиликлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
11.20 «Ҳайвон ўргатувчилар». Қисқа метражли бадиий фильм.
12.05 «Шохрух» клуби.
12.35 «Оламга саёҳат».
12.55 «Хамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
14.10 «Қонун ва биз».
14.40 «Етгил камолга».
Спорт дастури.
15.00 «Бировнинг хати». Бадиий фильм.
16.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
17.00 «Ўйла, изла, топ».
17.35 «Сўнгги пушаймон».
18.10 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Денгиз итлари». Мультсериал. 12-серия.
18.35 «Орзулар қанотида».
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00,21.40 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
21.45 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 65-қисм.
22.35 «Хамкорлик ришталари».
22.55 Маънавият дастури.
23.55 «Ахборот».
00.25 «Мен билган, билмаган дунё».
00.50 «Мис фариштa». Бадиий фильм.
02.20-02.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Қувноқ учрашув», Мультфильм)
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «О, ёшлигим».
19.50, 20.30, 23.30 Эълонлар.
19.55 «Ёшлар» телеканали намойиш этади: «Мерос. Леонардо да Винчи». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм.
20.35 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 Мусиқий лаҳза.
21.0 0 «Давр» ахборот дастури
21.30 «Муносабат»
21. 55 «Душанбада кўришгунча»
22. 15 «Ҳудуд». Сижжак қишлоғи.
22.40 «Сурур». Мусиқий дастур.
22.50 «Ҳаёл».
23.10 «Олам футболи».
23.35 Синема. «Инспектор Морс».
01.25 «Хайрли тун!»

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Жаҳон жўғрофияси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.15 Телефакт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳалқ саломатлиги йўлида».
21.45 «Спорт-тайм».
22.10 «Биз сизга бахт тилаймиз».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бугун».
17.00 «Интернет ҳудуди».
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.30 «Мультчарҳпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Ёзги ва қишки боғ». 2-серия .
18.45 «Уорлднет» янгиликлари.
18.55 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
19.00 «Мисс Марпл». Детектив сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Индаба». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «ТВ-4да немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Юртим».
22.50 РЖТ Москва кинофестивалининг очилиши.
23.50 Кинематограф. «Маклер». Бадиий фильм.
01.00 «Ахборот» (рус тилида).
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 Kanal

Соат 15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эҳтиролар асирлигида». Телесериал (Мексика).
17.35 «YIP» студиясининг меҳмони».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал (Мексика).
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.10 «Марлоу детективи». Сериал (АҚШ).
24.00 «XL-music». Мусиқий-дам олиш канали.

СЕШАНБА 20

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Сайхун тароналари». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 65-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
